АНДИЖОНДАГИ БИРИНЧИ УЙҒУР МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ТАРИХИ

Б.Б.Хайназаров

Мақола Андижондаги биринчи уйғур мусиқали драма театрининг ташкил топиши ва унинг фаолиятини ёритишга бағишланган.

Калит сўзлар: *Андижон округи, Ёркент, "Анорхон", "Ғариб ва Санам", "Тоҳир ва Зуҳра".*

Статья посвящена освещению истории образования и деятельности первого уйгурского музыкально-драматического театра в Андижане.

Ключевые слова: *Андижанский округ, Яркенд, «Анорхон», «Гариб и Санам», «Тахир и Зухра».*

The article describes the foundation and activities of the first Uigurian musical drama theatre in Andijon.

Key words: *Andijon okrug, Uzcomparty, Yarkant, Alma Ata, «Anorkhon», «G'arib va Sanam», «Tohir va Zuhra».*

Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган уйғурлар миллий маданиятида қатор ўзгаришлар юз берган. Айниқса, халқ таълими, фольклор ва бадиий санъат, мусиқа ва рақс ҳамда театр соҳаларида кўзга кўринарли ютуқларга эришилди. Жумладан, таълим соҳасида замонавий фан ва таълим ютуқларидан фаол фойдаланиш уйғурларнинг ижтимоий-маданий ҳаёт тарзига катта таъсир кўрсатди, натижада уларнинг этник хусусиятларида ҳам қатор ўзгаришлар кечди.

Уйғур миллий театрининг шаклланиши қишлоқ ва шаҳарларда мустақил равишда фаолият юритган бадиий тўгараклар асосида амалга ошди. 1919 йилда Тошкент, Олмаота, Ёркент, Чимкент каби шаҳарларда илк уйғур театр-драма тўгараклари пайдо бўла бошлади. 20-йилларнинг ўрталарида Жаркентда биринчи кўчма уйғур театри ташкил этилди. Мазкур сайёр театр 1944 йилгача фаолият юритди.

1930 йилга келиб театр ихлосмандлари К.Назарова, О.Арабаева ва С.Охуновалар ташаббуси билан Андижонда илк уйғур труппаси ташкил этилди. Ушбу труппа кейинчалик Андижондаги биринчи уйғур миллий давлат мусиқали драма театрининг очилиши учун асос бўлиб хизмат қилди. 1930-йилларда Ўзбекистондаги уйғурлар маданий ҳаётида катта роль ўйнаган даргоҳлардан бири Андижондаги биринчи уйғур миллий давлат мусиқали драма театридир. Фарғона водийсида уйғур миллатига мансуб аҳолининг ортиб бораётганини ҳисобга олиб, уларга маданий хизмат кўрсатиш учун биринчи уйғур театрини ташкил қилишга қарор қилинган [1.2]. Сабаби, Ўзбекистондаги уйғурларнинг аксарият қисми Фарғона водийсида, айниқса, Андижонда истиқомат қиларди. 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Андижон округида 3000 қашқарлик ва 30757 нафар уйғур (Наманган шаҳридаги 24 қашқарлик қўшиб ҳисобланган) жами 33757 киши [2.15] яшагани қайд этилган. Улар асосан Андижон шаҳри ва тумани, Асака, Шаҳрихон, Избоскан, Пахтаобод туманларида истиқомат қиларди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биринчи уйғур миллий театрини айнан Андижон шаҳрида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб топилади. XX асрнинг 20-йилларида Андижон ва Фарғона водийсининг бошқа ҳудудларида уйғур мактаблари, клублари ва қизил чойхоналари очилади. Бу муассасалар қошида фаолият юритган бадиий хаваскорлик тўгараклари аъзоларидан кейинчалик биринчи уйғур артистлари етишиб чиқади.

Шунингдек, архив ҳужжатларида Қўқонда ҳам уйғур театри бўлгани тилга олиб ўтилади, лекин у ҳақда деярли маълумотлар учрамайди.

Ўрта Осиё Бюроси ва Узкомпартия томонидан 1932 йилда Андижон шаҳрида Уйғур театри очишга қарор қилиниб, 80000 минг рубль ажратилади [1.2]. Лекин бу маблағлар ўзлаштирилмайди ва натижада театрнинг очилиши орқага сурилади. Сўнг бу театрни Андижон шаҳридаги иккинчи Ўзбек Давлат театри қошида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб топилиб, саҳна асарлари ва артист кадрларни Андижон шаҳридан танлаб олинса, йирик сарф-харажатларнинг олди олинади, деган қарорга келинади.

Уйғур давлат театри сиёсий органларнинг сўнгги кўрсатмалари асосида қурилган бўлиб, оммага ана шу қарорларнинг кўриниши ва шаклидан келиб чиққан ҳолда яқинлашиши керак деб ҳисобланган. Ишларининг асоси янги сиёсий репертуарлар бўлиб, томошабинларга ижтимоий муносабатлар тизимидаги зиддиятларни очиб бериш орқали совет воқелигини очиқроқ тушунишга ёрдам бериши керак бўлган.

Уйғур театри тузилмасини шакллантиришда, режага зид ўлароқ, артистларни бошқа шаҳарлардан, биринчи навбатда, аввал уйғур театри мавжуд бўлган ва ҳозирги вақтга келиб артистлари бошқа ишлар билан шуғулланиб юрган Ёркентдан танлаб олиш керак бўлган [1.2]. Шу тариқа уйғур миллий давлат театри юқоридаги йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар асосида 1934 йилда ташкил қилинади. Кўриниб турибдики, театрни ташкил қилишда уйғур миллатига мансуб аҳоли манфаатлари эмас, ҳукмрон тузумнинг мақсадлари ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Театрнинг биринчи раҳбари ўзбек Ҳусан Назаров бўлган. 1935 йилда театр саҳнасида илк бор Д.Азимов билан А.Садировнинг "Анорхон" мусиқали драмаси саҳнага қўйилди. Спектаклдаги биринчи ижрочилар Мариям Тўхтаева, Ахмад Сўпиев ва бошқалар бўлган [3.124]. Бу асар кейинчалик уйғурларнинг севимли спектаклига айланиб, узоқ вақт саҳнадан тушмай келди. Спектаклнинг иккинчи премьераси нафақат уйғур томошабинлари, балки ўзбек, татар, озарбайжон ва бошқа миллат вакилларини ҳам йиғади. Муваффақиятлардан руҳланган ёш уйғур театри ходимлари ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ва композитор Тўхтасин Жалиловга янги саҳна асарига буюртма беради. 1936 йилда театр саҳнасида Т.Жалилов ва Абдулла Қаҳҳорнинг "Ойхон" мусиқали драмаси тақдимоти бўлиб ўтади. Асар ўша давр мафкураси руҳида ёзилган бўлиб, совет уйғурларининг бахтли ҳаёти ва Шарқий Туркистондаги уйғурларнинг оғир аҳволини кўрсатади.

Йиллар ўтган сари ёш театр артистларининг маҳорати юксалиб борди. Шу билан бирга истеъдодли ёшлар ҳам келиб қўшилди.

1938 йилда Андижон уйғур театрига кейинчалик етакчи яккахон балет устасига айланган раққоса Зайнабхон Полтушева келади. 1939 йилда театр жамоаси Катта Фарғона канали қурувчиларига концертлар уюштиради. Бу концертларда З.Полтушева анча машхур бўлиб кетади. Орадан бироз вақт ўтиб ҳукумат қарори билан З.Полтушевага Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист унвони берилади.

1941 йилда театрга бош режиссёр сифатида Жалол Асимов таклиф қилинади. Театр жамоасининг ютуғи ўлароқ 1941 йилда яна бир актриса – Мариям Тўхтаева Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист унвонини олади. 1943 йилда Андижон уйғур театри республика театрига айланди. Ўзбек санъати усталари: Ваҳоб Азимов, рассом Усто Мўмин, артистлар Райхон Ибрагимова, Фая Маматтўхтаева, Патам Қурбонова, Ғулом Мамажоновлар Андижон республика уйғур театрида ишлаганлар.

Уруш муносабати билан собиқ иттифоқнинг кўплаб етакчи мусиқачилари Ўзбекистонга эвакуация қилинади. Уларнинг айримлари Андижон-Республика уйғур театрида ҳам ишлаганлар: Абрамович, Фокарович, Шустак шулар жумласидандир.

Режиссер В.Азимов ва рассом У.Мўминов томонидан "Анорхон" драмаси қайта сахналаштирилади. Томошабинларга У.Ҳожибековнинг "Аршин мол олан", Собир Абдулланинг "Тоҳир ва Зуҳра" спектакллари тақдим этилади.

Бу томошларни кўриш учун нафақат уйғур, балки ўзбек, татар, қирғиз каби миллат вакиллари ҳам ташриф буюрганлари ёзиб қолдирилган. Ёз мавсуми уйғур театри ходимлари қишлоқларга ижодий сафар уюштиришган ва, одатда, бундай сафарлар колхозлар учун ҳақиқий байрамларга айланиб кетган. Театр оммалашиб боргани сайин ёш иқтидорлар сони ҳам кўпайиб борган, халқ суйган мусиқачилар, қўшиқчилар, ўйинчилар етишиб чиққан. Уларнинг энг машҳурлари сирасида қуйидаги уйғур ёшлари номларини келтириш мумкин: Мариям Семятова, Рушангул Илахунова, Хеличам Илиева, Ризвон Тўхтанова, Холида Жалилова, Жалол Асимов, Махпир Бакиев, Ахмет Шамшиев ва бошқалар. Ўзбекистонда, айниқса, Зайнабхон Палтусова, Давлатхон Қодирохуновалар жуда машҳур бўлишган.

Уруш бошлангани сабабли Ўзбекистондаги кўплаб театр артистлари фронтга жўнатилади. Уйғур театри жамоаси Хитойнинг Шинжон уйғур районида концерт бериши режалаштирилгани боис ижодий жамоа сақлаб қолинади. 1944 йилда сафарга чиқиш масаласи ҳал бўлади. Шу сабабли тегишли органларга уйғур театрига керакли ёрдам кўрсатиш топшириғи берилади. Ўзбекистоннинг етакчи адабиётчилари, режиссёр, балетмейстер, рассом ва драматурглари маслаҳатчи сифатида таклиф қилинади. Жумладан, театрга ёрдам бериш учун драматург сифатида Ғафур Ғулом, балетмейстрлар Мукаррама Турғунбоева ва Гавҳар Раҳимовалар келади. Уларнинг келиши театр маданий савиясининг янада ошиши, спектакллар сифатининг ўсишига олиб келади. Ўрта Осиё бадиий жамоалари ичида биринчи бўлиб ушбу Уйғур мусиқали драма театрида кўп овозли хор пайдо бўлди. Спектаклларнинг ажойиб безатилиши, ёш артистларнинг шижоати, юқори маҳоратли оркестр ва хор Андижондаги уйғур театрини республикадаги етакчи бадиий жамоалардан бирига айлантирди. Томошабинлар орасида алоҳида шуҳрат қозонган спектакль "Анорхон" бўлди. Унда Мариям Тўхтаева (Анорхон), Жалол Асимов (Ҳамро), Қулдуз Усмонова (Гулзора), Райхон Ибрагимова

(Лайлихон), Ахмат Сўпиев (Сўфиохун), А.Абдулин (Саид) ва бошқалар роль ижро этганлар.

Яна бир шуҳрат қозонган спектакллардан бири У.Ҳожибековнинг “Аршин мол олан” асари бўлди. Хусусан, Андижон вилоят маданият бошқармаси ўзининг буйруғида шундай ёзган эди. “... “Аршин мол олан” спектаклининг тайёрланиши театр жамоасининг бадиий савияси анча ошгани ва театр ишчиларининг мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларини ўзлаштирганини кўрсатди. Таниқли доаматург У.Ҳожибековнинг кўпгина театрларда, кўплаб тилларда қўйиладиган мусиқали комедияси уйғур театри режиссёр ва актёрлари томонидан тўғри тушунилган, томошабинларни ижобий баҳога арзийдиган ҳаётий ва ишонарли комедия тайёрланган [3.420]. Ж.Асимов ва Г.Мамажонов Асқар ролида, Ғожам Бердиева ва Ибрагимова Гулчехра ролида, Асат Азимов Сулаймон ролида, Ф.Маматтўхтаева Осиё ролида, Омина Мусаева Зебо ролида, Боқи Исломов Султонбек ролида ўз ижроси билан алоҳида ажралиб турган.

Шундай қилиб, 1935 йилда тузилган Андижон уйғур мусиқали драма театри 10 йил ичида яхши актёрлар ансамбли билан ўзининг ижодий қиёфасига эга етук театрга айланди. Театр хизмат кўрсатадиган томошабинлар доираси жуда катта бўлган: жамоа Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида, шунингдек, қўшни Қирғизистон ва Қозоғистонга ҳам бориб ўз санъатини намойиш этади. Таркибидаги деярли ҳамма эркакларни урушга жўнатган Олмаотада уйғур мусиқали драма театридан фарқли равишда, Андижон уйғур театри режадаги масъулиятли гастролларини кутиб, ўз таркибини сақлаб қолган. Афсуски, бир неча кун қолганда Хитой ҳукумати бу гастролни рад қилган.

Урушдан кейинги йилларда ҳам Андижон уйғур театри ўзининг эски репертуарини ўйнашда давом этган, натижада, табиийки, томошабинлар талабини қондира олмаган. Репертуардаги танқислик Андижонда уйғур драматурглари ва ёзувчилари бўлмагани билан изоҳланади. Бундай етишмовчиликни Олмаотадаги уйғур мусиқали драма театри ҳам бошидан кечирган.

Урушдан сўнг издан чиққан ва вайрон бўлган хўжаликни тиклаш учун қўшимча маблағлар зарур эди. Шу боис кўпгина рентабелли эмас деб топилган театрлар хўжалик ҳисобига ўтказилади. Жумладан, биргина шаҳарда Андижон уйғур театри ва Андижон ўзбек театрини сақлаш қийинлиги ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон ҳукуматининг 1947 йил 26 февралдаги қарори билан улар бирлаштирилиб, Охунбобоев номидаги Андижон мусиқали драма театрига айлантирилди.

Бундай қайта ташкиллаштиришдан сўнг Уйғур театри актёрларининг бир қисми Олмаотадаги Уйғур театри труппасига бориб қўшилди, қолган қисми Охунбобоев номидаги вилоят театрида фаолиятини давом эттирди. Бу ерда актёрлар санъати ўсишда давом этиб, камолотга етди. Мисол сифатида ажойиб актриса, Ўзбекистон халқ артисти Ойсара Ибрагимовани келтириш мумкин.

Шундай қилиб, Андижон уйғур мусиқали драма театри ўзининг қисқа тарихига қарамай, шубҳасиз, уйғур миллий театр санъати тарихига муносиб улушини қўшди. Унинг саҳнасида М.Тўхтаева, З.Полтушева, Г.Мамажонов, М.Боқиев, А.Мусаева, А.Сўпиев каби қатор истеъдодли актёрлар етишиб чиқди. Ушбу театр тарихи уйғур ва ўзбек театр санъатларининг бир-бирини ўзаро бойитиши ҳамда бир-бирига дўстона беғараз ёрдамининг яққол мисолидир.

Адабиётлар:

1. ЎзР МДА. 86-фонд, 1-рўйхат, 7330–иш.
2. Всесоюзная перепись населения 1926 г. Том 15, Узбекская ССР. – М.: Издание ЦСУ Союза ССР.
3. Кадыров А.Н. После третьего звонка… – Алматы, 2007.

Ўзбекистон Миллий университети,
2016 йил 8 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. С.Ҳошимов)